



FarDU.
ILMIY XABARLAR
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.
ФергУ

2 / 2010
Фергана тўғриси



М. Ҳодирхонов

91/658:08.24

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2019 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

✓ Қ.Юлчиев	
✓ Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожланиши.....	77
✓ Г.Орипова	
Мустақиллик даври ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоди аъаналари ва ўзига хосликлар.....	82
✓ А.Ақбаров	
Немис адабиётда Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

✓ Ш.Тургунов	
Наманган болалар фольклорига доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
✓ А.Бердиалиев	
Тил бирликларига парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулохазалар.....	96
✓ М.Абдулаттеев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни.....	107
✓ Д.Ашуров	
"Алпомиш" достонига қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари.....	107

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида.....	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш.....	117

ИЛМИЙ АХБОРОТ

✓ Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларида бири сифатида.....	117
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фарғона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир.....	117
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши.....	127
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш.....	127
✓ Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини.....	127
✓ Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари.....	127
✓ Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлари.....	137
✓ Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари.....	137
✓ Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти.....	137
✓ Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётда рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари.....	147
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	147
✓ Д.Абдурахмонова	
"БОБУРНОМА"нинг янги немисча таржимаси хусусида.....	147

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидойи олим.....	147
------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ.....	157
-------------------	-----

КОГНИТИВ ТУШУНЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Р.Абдуллаева

Аннотация

Мақолада когнитологик бирликлар: слот, фрейм, сценарий, тушунча, образ, гештальт таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье проанализированы когнитологические единицы: слот, фрейм, сценарий, понятие, образ, гештальт.

Annotation

In this article be analysed cognitive identities: slot, frame, schema, concept, image, gestalt.

Таянч сўз ва иборалар: когнитив бирлик, слот, фрейм, сценарий, тушунча, образ, гештальт.

Ключевые слова и выражения: когнитологическая единица, слот, фрейм, сценарий, понятие, образ, гештальт.

Key words and expressions: cognitive identity, slot, frame, scheme, concept, image, gestalt.

Тафаккур ва унинг шаклларига бўлган қизиқиш қадимги дунё халқлари маданиятидан ва илм-фанидан кенг ўрин эгаллаган мавзулардан бири ҳисобланади. Оламнинг лисоний манзараси ва лисоний манзарадан илмий манзаранинг келиб чиқиши инсоният билан тенгдош эволюцион жараёндир. Оламни билиш ва идрок қилиш жараёнининг ўзи ҳам кўплаб тадқиқотларнинг марказидаги масалага айланган. Когнитология илмининг бош муаммоси ҳам оламни англаш ва ушбу жараёнда инсон онгида содир бўладиган мураккаб жараёни таҳлил қилиш ва тушунтиришдан иборат. Инсон ва ундаги психик жараёнлар барча даврлар учун энг муҳим ва долзарб тадқиқот объекти бўлиб келган. Ушбу мавзу бугунги кун замонавий тилшунослик соҳаларида ҳам кенг тадқиқ қилинади. Когнитив лингвистика инсон онгида лисоний жараёнларнинг кечиши, нутқ (матн) ни қабул қилиш ва етказиш, инсон тафаккур шакллариининг лисонда акс этиши хусусидаги масалалар билан шуғулланади. Когнитив лингвистика ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар тараққиёти билан ривожланиб борган. Соҳа атамалар силсиласига эга. Ушбу тадқиқот орқали когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш назарда тутилган.

“Фрейм” тушунчаси когнитив лингвистикада қўлланилувчи тушунча ҳисобланади. Фрейм бу оламдаги барча воқеа-ҳодисалар, борлиқ мавжудотлари хусусидаги бошланғич умумий билимдир. Т.Ван Дейк томонидан унга “энциклопедик билим”, дея таъриф берилган. “Фрейм” ўзида тушунча ҳосил қилиши мумкин бўлган барча маънолар ва унга хос белгиларни бирлаштириб

туради [1,40-42]. Бу жиҳатдан у лингвистик бирлик – лексемани ёдга солади. Фрейм ва лексемани инсон онгида мавжуд бўлиш, нутқда воқеланиш хусусияти бирлаштириб туради. Фарқли хусусияти эса фрейм тушунчаси атрофидаги билимларни ҳам бирлаштириб туради. Бир тушунча атрофидаги ҳеч бир маъно ушбу ассоциациядан четда қолмайди. Масалан, китоб сўзининг когнитив маъноларини келтириб ўтамиз: ўқиш учун мўлжалланган, даврий ёки даврий бўлмаган, маълум бир муаллиф томонидан яратилган, варақлардан ташкил топган, муқоваланган предмет, катта, кичкина ва ҳ.к. Ушбу белгиларнинг барчаси китобнинг ташқи белгиларини кўрсатишга хизмат қилади. Китобнинг мазмуний хусусиятлари ҳақида: қизиқарли китоб, саргузашт китоб, илмий китоб, оммабоп китоб, болалар китоби, дарслик китоб ва ҳ.к. ларни келтиришимиз мумкин. Демак, китоб сўзининг шаклий жиҳатлари бир фрейм, мазмуний хусусиятлари яна бир фреймни ҳосил қилиши мумкин. Фрейм когнитив бирликлар тадрижидаги иккинчи ҳодиса. Фрейм ҳосил бўлишида слот тушунчаси хизмат қилади [2,150-152]. Слот бир фрейм маъносини юзга келтириш учун хизмат қиладиган маъновий гуруҳлардир. Биз юқорида фрейм тушунчасини лексемага қиёслаган эдик. Маълумки, лексема семалардан ташкил топади. Ушбу семалар бирлашиб, лексеманинг семантик маъносини ҳосил қилади. Фрейм ва слот муносабатлари хусусида худди лексема ва сема ўртасидаги муносабатни талқин қилишимиз мумкин. Бир неча слотлар бирлашган ҳолда фреймнинг мазмунини белгилайди. Биз юқорида китоб фрейми ва унинг ассоциатив маънолари хусусида фикр юритган эдик. Айни ушбу ассоциатив маънолар китоб

сўзининг слотларига тўғри келади. Бир предмет, воқеа-ҳодисани бир неча мазмуний слотлар тавсифлаб келиши мумкин. Хусусан, юқорида келтирилган китоб фреймининг шаклий ва мазмуний жиҳатлари сингари. Шакл ва мазмун жиҳатига эга бўлган ҳар бир фрейм икки ёки ундан ортиқ слотлар мажмуидан иборат бўлади. Маълумки, инсон тафаккури ижтимоий муҳитда воқеланади. Бу воқеланиш мураккаб кўринишда санъат, содда кўринишда оғзаки ва ёзма нутқ кўринишларида бўлиши мумкин. Тафаккурнинг воқеланиш имкониятлари чексиз ва турлича. Юқорида келтириб ўтилган когнитив бирликлар слотлар нутқда сценарийлар кўринишида акс этади. Сценарийлар фреймлардан нутқий вазиятга мос равишда фойдаланиш имкониятидир. Энди фрейм сиенарий кўринишида прагматик аҳамиятга эга бўлади. Агар юқорида келтирилган китоб мисолини сценарий кўринишига келтирадиган бўлсак: китобни ўқиш, китоб ёзма, китоб варақлама, китобни йиртмоқ, китобни ёқмоқ, китобнинг саҳифаси, китобнинг муқоваси, менинг китобим ва ҳ.к. кўринишларда бўлиши мумкин. Келтирилган маълумотлар асосида қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин: а) Коғнитив бирликлар слот, фрейм ва сценарийдан иборат; б) коғнитив бирликлар слот – фрейм – сценарий тадрижий муносабатини намоён қилади; в) слотлар бирлашиб, фреймларни, фреймлар эса сценарийларни ҳосил қилади. Бир фрейм турли мазмуний гуруҳлардан иборат бир неча слотлар ассоциациясидан иборат бўлиши мумкин. Сценарийнинг қандай прагматик – нутқий вазиятда қўлланилаётганлигидан келиб чиқиб нутқий актга мос фрейм ва слотлар гуруҳи танланади ва сиенарий шакллантирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, сценарийлар маълум бир нутқий вазиятга мослаша бориб, оқибатда маълум бир прагматик вазият учун хосланиб, шу вазият билан бирга қотиб қолади. Хусусан, муайян вазиятда ижро этиладиган қўшиқ, лапар ва бошқа хосланган бирликлар бунга мисол бўла олади. Ўзбек халқи томонидан яратилган меҳнат-маросим қўшиқлари шулар жумласидандир. Коғнитив лингвистика учун аҳамиятли бўлган ҳодисалардан яна бири – бу, гештальт тушунчасидир. Гештальт сўзи немис тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилига “шакл”, дея таржима қилинади. Атамани “схема” ва “форма” тарзида таржима қилинган адабиётлар мавжуд [3,121-124]. Айтиб ўтилганидек, инсон оламни идрок қилиб бориш баробарида ўз онгида унинг лисоний

манзарасини ҳосил қилиб боради. Бу жараён болалик давридан бошлаб мунтазам ўсишда ва ўзгаришда бўлади. Унда содир бўладиган жараёнлар асосан олдинга ҳаракатланиб боради. Бундай мураккаб жараён натижаси сифатида фрейм ва унинг шакллантирувчиси слот – юзага келади. Билимларнинг нутқда сценарийлар асосида воқе бўлиши хусусида ҳам фикр юритдик. Гештальт фреймларнинг сиенарийга айланиш жараёнида ўта муҳим вазифани бажаради. Фреймнинг маъно англатиши учун хизмат қиладиган барча шакллар гештальтда акс этади. Масалан, биз юқорида келтириб ўтган китоб мисолини олиб кўрайлик. Китоб билан боғлиқ унга эгаллик ёки уни ўқиганлик ҳақидаги фикрни билдириш учун *китоб* сўзи боғланиши мумкин бўлган сўз қўйилади. Масалан, кишилик олмошларидан бири. Мен ва китоб сўзлари қаторига ҳаракат – ҳолатни ифодаловчи сўз қўйилади. Бу гап *Мен китоб ўқидим, Сен китоб сотиб олдинг, У китоб совға қилди* ва ҳ.к.дан иборат бўлиши мумкин. Эътиборли томони шундаки ҳар уч гапда грамматик структуранинг ўрни бир хил: а) синтактик жиҳатдан: эга + воситасиз тўлдирувчи + кесим; б) морфологик жиҳатдан: олмош + тушум келишиги билан турланган от + феъл кесим. Ўзбек тилида ушбу қолип асосида минглаб гапларни тузиш мумкин. Айни шундай қолиплар ва уларнинг структурал кўринишлари ҳам инсон онгида худди фрейм ва слотлар сингари мавжуд бўлади. Гештальт – шакл деганда, айни шу қолиплар ва уларнинг онгимиздаги намуналари назарда тутилади. Гештальт лисоний бирлик структурани ёдга солади. Бироқ гештальт ва структура тенг муносабатларда бўлмайди. Гештальт коғнитив лингвистикада барча онгдаги ва прагматик вазиятдаги структураларни назарда тутати. Хусусан, слотларнинг жамланиши, фреймларнинг шаклланиши, сценарийларнинг шаклланиши ва ўзаро боғланиши ҳам гештальт асосида амалга ошади. Умуман, инсон онгида мавжуд тушунчаларнинг фрейм, фреймдан сиенарийга айланиши гештальт ёрдамида амалга ошади. Тилшунослиқда гештальт атамаси кўп маъноли ҳисобланади. Онг ва нутқдаги структураларга нисбатан гештальт атамасини қўлланиш бу, бизда бирламчи ва онгдаги биринчи босқичли жараёндаги вазифаларни назарда тутати. Шу ўринда биринчи ва иккинчи босқичда амалда ошириладиган онг вазифалари хусусида фикр юритамиз. Слот, фрейм, сценарий кетма – кетлигидаги оламни идрок этиш ва фикр етказиш жараёни онгда биринчи босқичда

амалга оширилади. Ушбу жараённинг барча тафсилотлари келтириб ўтилди. Иккинчи босқичда ҳам биринчи босқичда амалга оширилган жараён кечади. Бироқ фреймлар талқин жараёнида янги маънони ифодалаш учун хизмат қилади. Ушбу босқичнинг маҳсули образ, тушунча, гештальт, деб аталади. Демак, шу жараёнда гештальт сўзининг иккинчи маъноси англашилади. Гештальт олий фикрий жараён маҳсулини акс эттиради. Гештальт ижоднинг маҳсулини акс эттиради.[4,46-72] Маълумки, олам ва ундаги нарса – предметлар бир турда бўлишидан қатъий назар, ҳар бир инсон томонидан турлича қабул қилинади. Ушбу қабул жараёнида ҳиссий таъсирланиш натижасида ижод юзага келади. Ижодкор асарида оламни ҳиссий қабул қилишдан ташқари шахсий дунёқараш, тажриба, шахсий муносабат акс этади. Демак, ифода этилаётган фикр услубида шахсий муносабат ҳосил бўлади. Биринчи босқичда амалга оширилгани каби иккинчи босқичда ҳам тадрижий ўсиб бориш кўзга ташланади. Иккинчи босқичнинг биринчи бўғинида тушунча ҳосил бўлади. Тушунча атроф-муҳит ҳақидаги маълумотнинг ҳукм шаклидаги кўринишидан иборатдир. Ҳукм образ яратилишига асос бўлади. Айтиб ўтиш лозимки, тушунча билим ҳосил бўлишининг негизида туради. Образ ёзувчининг муайян бир мавзу юзасидан мавжуд билим ва дунёқарашини акс эттиради. Образнинг турли мезонлар асосида амалга оширилган кўплаб таснифий турлари мавжуд. Гештальт ҳам инсон бадиий тафаккурининг маҳсули. Илмий адабиётларда гештальтга берилган таъриф

образга берилган таърифга жуда яқин. Айрим манбаларда ушбу атамалар синоним тарзида қўлланилади. Бироқ гештальтда образ каби таснифий гуруҳлар мавжуд эмас. Гештальт ақлий, ҳиссий ва характерологик хусусиятларни акс эттиради. Гештальт образ билан қиёсланганда, бутун ва қисм муносабати юзага келади. Гештальт бир вақтнинг ўзида тушунча ва образ бутунлигини намоён қилади, уларнинг элементларини бирлаштиради. Масалан, “тулки” сўзи инсон онгида ҳайвон тушунчаси билан боғланади. Ушбу ҳайвон образ вазифасини бажарганда турли маъноларни ифода этиши мумкин. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида тулки образи орқали айёр, ёлғончи, муғомбир кишилар характериға ишора қилинади. Тулки тушунчаси онгдаги ижод натижасида айёр киши образига айланади. Бироқ турли маданиятларда тулки образининг талқин этилиши турлича. Айрим манбаларда ушбу образга бўлган ижобий муносабат кўзга ташланади. Хусусан, инглиз тили сўзловчиларида тулки образининг ижобий маънолари мавжуд бўлиб, у ёш ва гўзал аёл образи билан боғланади. Гештальт образдан фарқли равишда бир тушунчанинг барча воқелик имкониятларини қамраб олади. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, инсон онгининг имкониятлари чексиз ва турфа. Бу имкониятларнинг воқе бўлиш усули ўзига хос ва мураккаб. Когнитологик лингвистика бу борадаги ўзига хос қадамдир.

Адабиётлар :

- 1.Е.И.Трубаева. К вопросу взаимосвязи фрейм, гештальт, слот, топик, сценарий в когнитивной лингвистике. Литература народов Российской Федерации. Секция 2.
- 2.В.Н.Бочарников. Конструктур и гештальт – неоинструментальные средства гуманитарной науки. Гуманитарная география. -М., 2014.
- 3.Е.И.Голованова. Образ, понятие, гештальт как форматы профессионального знания. Вестник Челябинского университета. -2014/6.
- 4.I.Osmanka- Lipka. Elements of Gestalt psychology in American Cognitive linguistics.VVV.XXX.2-Polonia. -2012.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор)